

Қуръони Карим 142-дарс. «Тайсирут-тафсир» - Иброҳим Қаттон



17:00 / 22.06.2021 3063

Иордания давлатида қозилар раиси бўлиб ишлаган шайх Иброҳим Қаттон раҳматуллоҳи алайҳи «Тайсирут-Тафсир» деб номланган бир китоб ёзган. Китобнинг номи бизнинг тилимизга «Тафсирни осонлаштириш» деб таржима қилинади. Шунинг ўзидан муаллифнинг кўзлаган мақсади нима эканини билиб олиш қийин эмас.

Шайх Иброҳим Қаттон раҳматуллоҳи алайҳи ўз тафсирига ёзган муқаддимасида Қуръони Каримнинг мусулмонларга таъсири ҳақида анчагина маълумотлар келтирган. Кейин бу илоҳий Китоб нафақат мусулмонларга, балки мусулмон бўлмаган бошқа инсонларга ҳам таъсир кўрсатаётгани ҳақида сўз юритиб, Қуръони Каримдан таъсирланган ғайримусулмон кишиларнинг бу илоҳий Китоб ҳақидаги сўзларидан

намуналар келтирган. Шайх Иброҳим Қаттон раҳматуллоҳи алайҳи бу китобида франциялик машҳур табиб Морис Букайнинг гапларига алоҳида эътибор қаратади.

Кейин доктор Мустафо Маҳмуднинг Қуръони Карим услуби ҳақидаги «Қуръон тирик мавжудотдир» деган ажойиб илмий баҳсини келтиради. Сўнг яна бир қанча қўшимча маълумотлар тақдим қилинганидан кейин бевосита тафсирни бошлайди.

Шайх Иброҳим Қаттон раҳматуллоҳи алайҳи аввал ҳар бир суранинг умумий маъносини келтиради. Кейин эса оятларни тафсир қилишга ўтади.

Бу тафсирнинг тили равон бўлиб, ўқувчининг малол олишига йўл қўймайди. Тафсир тўрт жилдда нашр қилинган.

«Қуръон илмлари» китоби асосида тайёрланди